

Президент Косонда миришкорлар билан учрашди



Президент Шавкат Мирзиёев Косон туманидаги “Косон” фермер хўжалиги даласида бўлиб, ғалла ва ғўза ривожини кўздан кечирди.

82 гектар майдонга эга хўжалик асосан шу экинларга ихтисослашган. Ўтган йили пахтадан 41, ғалладан 70 центнердан ошириб ҳосил олинган. Даромад ҳам шунга яраша яхши бўлган - ўтган йили 357 миллион сўм даромад топилган.

Бунинг эвазига хўжаликка техникалар харид қилинди, сув тежовчи технологиялар ўрнатилди.

- Бозор иқтисодиётида ишни ҳаракатлантирувчи куч нима? Манфаат. Фермер хўжаликлари ҳам даромадни кўпайтиришни ўйлаши керак. Даромад бор жойда ривожланиш бўлади. Унумдорликни ошириш учун фойданинг бир қисмини илмга, янги технологияларга сарфлаш керак, - деди Шавкат Мирзиёев.

Фермер хўжалигига пахта ва ғалла далалари атрофига ток, тут ва ошқовоқ экилган. Президентимиз бу тажрибани кенгайтириб, барча кластер ва фермер хўжаликлари даласидаги атрофидаги бўш жойларда мева-сабзавотлар етиштириш зарурлигини таъкидлади.

Қашқадарёда қишлоқ хўжалигига энг катта муаммолардан бири - сув камлиги. Шу боис ёмғирлатиб ва томчилатиб суғориш технологияларини жорий этиш давлат томонидан қўллаб-куvvatlanmoқда.

“Косон” фермер хўжалигига ҳам ёмғирлатиб суғориш ташкил этилган 23 гектар ғалла баравж ўсмоқда. Бу йил яна 23 гектар ғалла майдонида ёмғирлатиб ҳамда 30 гектар пахта майдонида томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинади. Натижада 46 минг метр куб сув, 11 тонна минерал ўғит иқтисод қилинади.

Шу ерда сув хўжалиги обьектларидан фойдаланиш тизимини такомиллаштиришга оид лойиҳалар

муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари кластерларга қарашли ерларга сув етказиб бериш бўйича улар билан давлат-хусусий шерикликни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлади.





Манба